



Эрта тонгда бир гуруҳ ҳамкасблар билан бирга Шовот туманига — XXXI ёзи Олимпия ўйинларида мамлакатимизга биринчи медални олиб берган Диёрбек Ўрозбоевнинг уйига бордик. Унинг отаси Бахтиёр Шариповнинг дил сўзларини эшитдик.

Бу ғалаба бутун халқимизники

— Хали ҳам ҳаяжонданман, — дейди у. — Мусобақаларнинг финал қисми бизнинг вақт билан деярли ярим тунга тўғри келди. Бутун оила аъзоларимиз билан зангори экран қаршида гўё миклангандек бўлиб ўтирдик. Айниса, ўғлим ҳал қилувчи беллашувлардан бирида мезбонлар вакили билан татамига чиқанида ғоят ҳаяжонландик. Бу беллашуви Диёрбек ўз фойдасига ҳал қилганидан кейин навбатдаги — медаль учун курашга чиқиш онларини айтинг!.. Ушанда ҳар сония соатларга тенгдек бўлди.

Диёрбек 8 ёшдан спорт билан шуғулланади. Аввал самбода ўз омадини синаб кўрди. 5-синфдан бошлаб эса дзюдога меҳри тушди. Бундан ўн йил муқаддам илк бора республика турнирида татамига чиққан эди. Ўтган даврда халқаро турнирларда, Освё ва жаҳон чемпионатларида қатнашиб, совриндор бўлди. Урганч Олимпия захиралари коллежиди ўқиди, Урганч давлат университетининг жисмоний тарбия факультетини битирди.

Умрбек Давлетов, Жамшид Худайбергенов каби малакали мураббийлар кўл остида тарбия топди. Бу уларнинг ҳам ғалабаси, деб ўйлайман.

Ўғлим шарафига мамлакатимиз байроғи кўтарилганида бир-биримизни кўтладик. Шу тун ҳеч биримиз мижжа қокмадик. Диёрбек океан ортидан туриб кўнгирак қилганида дунёда биздан бахтли ота-она йўқдек эди, гўё. Тўғриси, юртдошларимизнинг спортга нақадар ошно ва муҳлис эканини шу кун билдим. Токи тонггача ва ҳозиргача табриклар тингани йўқ. Ҳатто бошқа вилоятлардан бизни танимайдиган кишилар ҳам кўнгираклар қилди... Бу ғалаба бутун халқимизники, деб ўйлайман.

Хоразмнинг чекка — Бешмерган қишлоғида дунёга келган ўғлим Диёрбек истиклолимиз туфайли, яратилган шароитлар шарафати билан уммон ошиб, юртимиз байроғини баланд кўтармоқда. Илоҳим, ўғлимнинг, барча спортчиларимизнинг ғалабалари бардавом бўлсин.

«Ўзбекистон овози» муҳбири
Рўзимбой ҲАСАН ёзиб олди.

ДАСТЛАБКИ БРОНЗАЛАР, КУТИЛАЁТГАН ОЛТИНЛАР...

Дзюдочиларимиз Диёрбек Ўрозбоев ҳамда Ришод Собиров Рио-де-Жанейро олимпиадасининг бронза медалларига сазовор бўлишди



Суратда: Ришод СОБИРОВ ва терма жамоа бош мураббийи Андрей ШТУРБАБИН.

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

Тажриба алмашиш давом этмоқда

«Бошланғич ташкилот партия дастурий мақсадларини тарғиб қилувчи асосий куч ҳисобланади. Шунинг учун унинг фаолиятини кучайтиришга, аъзоларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифлари асосида ишлашга эътибор беряпмиз. Электрат вакилларининг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш учун ўқув-маишулотлари, давра суҳбатлари, депутатлар билан учрашувлар ташкил этиляпти».

2

ҚОНУН ВА ШАРҲ

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

электрат манфаатларини
ҳимоя қилиш имкониятларини
кенгайтиради

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан парламент назорати институтини кучайтириш, жумладан, парламент томонидан янги тайинланган ҳукумат дастурини маъқуллашнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш ва Вазирлар Маҳкамасининг ушбу дастур бажарилиши тўғрисидаги йиллик ҳисоботини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан эшитиш амалиётини жорий қилиш масаласи белгиланган.

Жорий йилнинг 12 апрелида қабул қилинган «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонуннинг ишлаб чиқилишида партияимизнинг парламентдаги фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этди.

Бугунги кунда мазкур қонуннинг мазмун-моҳиятини тарғиб этиш борасида қандай ишлар олиб борилмоқда? Умуман, қонун ижроси бўйича нима ишлар қилинмоқда?

► Давоми 2-бетда.



БИТИРУВЧИ ҚИЗЛАР бандлигига бағишланди

Қарши банк коллежиди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан касб-хунар коллежларини битирувчи қизлар бандлигини таъминлаш масаласига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Озода Парлибоева, Марказий банк масъул ходими Аҳам Ражапов ҳамда вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Рисолат Эшқобилова сўзга чиқиб, ҳудудда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар, келгусидаги вазифалар хусусида атрофлича фикр юритишди.

«Қашқадарё» газетаси сайтида берилган маълумотга кўра, 2015/2016 ўқув йилида вилоятдаги 137 касб-хунар коллежини 23 минг нафардан зиёд қизлар битирди ва айти пайтда уларнинг барчаси билан тўрт томонлама шартномалар тузилиб, ишга жойлаштирилмоқда.

БИР ҚИШЛОҚДА ЎН ИККИ ИНШОТ ишга тушади

Тайлоқ туманидаги Чўбот қишлоғида яқин кунларда ўнлаб янги бино ва иншоотлар фойдаланишга топширилади. Бу ҳақда «Зарафшон» газетаси сайтида хабар берилган.

— Байрам арафасида Урай-Элипоқ маҳалласидаги асосий йўлдан ташқари, замон талаблари асосида қурилган маҳалла маркази, болалар боғчаси, мўжаз ўйингоҳ, спорт мажмуаси, ҳаммом, ошхона, тикувчилик цехи, сартарошхона, дорихона, минимаркет фойдаланишга топширилади, — дейди туман ҳокими Пулат Аҳмедов. — Шу кунларда мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллиги муносабати билан туманимиз бўйлаб бунёдкорлик ишлари жадал олиб бориламоқда.

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА МУЛОҚОТ

Наманган вилоят адлия бошқармасида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ҳамда қабул қилинаётган қарорлар учун масъулиятни янада ошириш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган ҳудудий бўлини маси, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ОАВ ходимлари ва бошқалар иштирок этди.

Дастлаб «Жойларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг долзарб масалалари» номили ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Давра суҳбатида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Наманган вилоят бўлими раҳбари Юнусхон Ишанов, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган ҳудудий бўлини маси раҳбари Зафаржон Худойбердиев, вилоят прокуратураси масъул ходими Гузал Шарипова, вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси раҳбари Зиёвуддин Мансуров сўзга чиқди.

ЖОРИЙ ЙИЛ БОШИДАН БУЁН



2016-2020 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури доирасида 6500 та сервис объектлари ташкил этилгани хизматлар ҳажмининг 12,9 фоиз ва ялпи ички маҳсулот таркибида хизматлар улушини 2015 йил биринчи ярмидаги 57,1 фоиздан 57,6 фоизгача ошириш имконини берди.

ЎЗХДП: ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

ХАТИРЧИ ТУМАНИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН КЎЧМА ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИГА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, ИЧКИ ЙЎЛЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ МАСАЛАЛАРИДА 10 ГА ЯҚИН МУРОЖААТ ТУШДИ.

АМУДАРЁ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎЗХДП ГУРУҲИ ТУМАН ПОЛИКЛИНИКАСИДА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАНИ СЕССИЯ МУҲОКАМАСИГА ОЛИБ ЧИҚДИ.

ЎЗХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН ФИЖДУВОН ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА ДЕҲҚОН БОЗОРЛАРИ ВА САВДО ДЎКОНЛАРИДА ТЕРМИНАЛ ТАРМОҒИ ХАМДА ОНЛАЙН ТЎЛОВЛАР ТИЗИМИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.

ҚОНУН ВА ШАРҲ

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

электорат манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтиради



Бунёдҷон
ЭШОНҚУЛОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Мазкур қонун Олий Мажлисининг парламент назоратини амалга ошириш бўйича фаолиятини янада такомиллаштиришга, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг парламент олдидаги жавобгарлигини кучайтириш имконини берадиган қўшимча механизмларни жорий этишга қаратилган. Унинг асосий мақсади — Конституция ва қонунлар талабларининг ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга оширишнинг ягона тизимга солинган қонунчилик базасини яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари зиммасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, энг муҳим давлат дастурлари ижроси бўйича мазкур органларнинг жавобгарлиги ва фаолияти самарадорлигини оширишдан иборат.

Яқинда сайловчилар билан бўлган учрашувлар чоғида ҳам мазкур қонуннинг аҳамияти ҳақида аҳоли ва электорат вакиллари томонидан кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Қонуннинг 3-моддасига кўра, Олий Мажлис палаталари, кўмиталар, комиссиялар, сиёсий партиялар фракциялари, депутатлик гуруҳлари, депутатлар ва сенаторлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) парламент назорати субъектлари ҳисобланади.

Сайловчилар билан учрашувларда бир масалага алоҳида эътибор қаратдик. Яъни, қонунда белгиланган назорат шакллари билан барчани парламентга катта имкониятлар беради. Мисол

учун, парламент биргина Давлат бюджетни ижросини кўриб чиқиш орқали ҳаётимизнинг кўпгина соҳаларига таъсир кўрсатиш имкониятига эга. Демак, масалани дастлабки тарзда муҳокама қилиш давомида фракциялар, депутатлик гуруҳлари ва Қонунчилик палатасининг кўмиталари Давлат бюджетни ижросининг бориши тўғрисида тегишли органлардан қўшимча ахборот олиши мумкин. Шунингдек, фракциялар, депутатлик гуруҳлари жойларда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши масалаларини Қонунчилик палатасининг тегишли кўмиталари томонидан ўрганиш ташаббуси билан чиқиш ваколатига эга.

Шундан келиб чиқиб айтиш керакки, айнан ушбу жиҳат партияимиз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятларини янада кенгайтиради.



Улғубек
АБДУНАЗАРОВ,
Халқ депутатлари
Бекobod шаҳар
Кенгашидаги ЎзХДП
гуруҳи раҳбари:

— Жаҳон парламентаризми тажрибасига назар солсак, давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим соҳаларини парламент назорат қилади. Мисол учун, бюджетни тасдиқлаш ва унинг ижросини кўриб чиқиш, ҳукумат ёки вазирларнинг ҳисоботларини эшитиш, парламент

текшируви, қонунлар ижросини ўрганиш шулар жумласидандир.

Менинг фикримча, «Парламент назорати тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар, партия гуруҳлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Бу нималарда кўринади?



Гулчехра
ТЎЛАГАНОВА,
ЎзХДП Марказий
Кенгаши эксперти,
юридик фанлар
доктори:

— Қонун парламент назоратининг илгари турли қонун ҳужжатларида тарқоқ ҳолда бўлган шакллари тизимлаштириш билан бирга, ҳозирги кунгача қонунчиликда акс этмаган янги шакллари ҳам жорий этди. Хусусан, қонун орқали янги — «парламент текшируви» институти жорий қилинди.

Унга асосан жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий

таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни

Жаҳон парламентаризми тажрибасига назар солсак, давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим соҳаларини парламент назорат қилади.

Аввало, қонунлар, дастурлар жойларда тўлиқ ижро этилиши лозим. Масалан, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросини биз биринчи навбатда туманимиз ёки шаҳримиз миқёсида ўрганишимиз лозим. Бу борада бирор камчилик, эътиборсизлик кузатилса, партияимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси орқали мазкур масалага ойдинлик киритиш мумкин.

Қонунда ҳукумат аъзоларининг ахборотини, Хисоб палатаси, Бош прокурор, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Марказий банк ҳисоботларини эшитиш, парламент

сўрови, депутат ва сенатор сўрови, Олий Мажлис палаталари кўмиталари томонидан қонун ҳужжатлари ижро этилаётганлигини ўрганиш каби парламент назорати шакллари ўз ифодасини топган.

Шу ўринда масаланинг яна бир жиҳатига эътибор қаратиш керак. Демак, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари, муайян соҳа раҳбарларининг ахборотларини эшитиб бориш амалиёти янада кучайтириши лозим. Шунда вақиллик ҳокимиятининг ижро ҳокимияти фаолияти устидан изчил назорати йўлга қўйлади.

бошқаруви органларининг вакиллари, мутахассислар, экспертлар ва олимларни комиссия ишига жалб этиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан, бошқа ташкилотлардан, шунингдек, фуқаролардан зарур маълумотларни сўраб олиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларини, шунингдек, фуқароларни тўшунтиришлар бериш учун таклиф қилишга ҳақли.

Маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, умуман, партия фаоллари билан бўлган мулоқотларда бу масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Нурали ОРИПОВ ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
ҲАЁТИДАН

«Аёллар соғлиғи — жамият бойлиғи»

Юнусобод туман партия кенгаши ушбу лойиҳа доирасида навбатдаги давра суҳбатини ўтказди.

Депутатлар, партия фаоллари ва шифокорлар иштирок этган тадбирда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари ҳақида атрофлича сўз юритилди. Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, ёш оналар ва болаларнинг овқатланиш рационига аҳамият бериш, никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш мавзусларида фикр-мулоҳазалар тингланди.

Шу кунги туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида хотин-қизлар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, айрим беморларга даволаниш учун йўланма берилди.

Тинчликни, осойишталикни асраш

— ҳар биримизнинг бурчимиз

Хоразм вилоятида шу мавзуда давра суҳбати ташкил этилди.

Урганч шаҳар партия кенгаши томонидан ўтказилган тадбирда депутатлар, «Бобур» маҳалла фуқаролар йиғини аҳли, ёшлар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар тинчлик, осойишталик бебаҳо неъмат эканини, мамлакат тарққий этишида унинг аҳамияти беқиёс эканини алоҳида таъкидлашди.

Турли мафкуравий таҳдидлар, ахборот хуружларининг олдини олишга қаратилган маънавий-маърифий мулоқотлар таъсирчанлигини ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш — долзарб вазифа

Қарши туман кенгаши ташаббуси билан мустақиллигимизнинг йиғирма беш йиллигига бағишлаб ташкил этилган тадбирда депутатлар, партияимиз фаоллари, тарғиботчилар, ижодкорлар ва ёшлар иштирок этди.

Унда таъкидландики, мамлакатимизда ёшларни миллий истиқлол ғоясига садоқат, она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, бунёдкорлик, келажакка ишонч туйғуларини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бироқ бугунги глобаллашув замонида инсон онгу қалби учун кураш тобора кучаймоқда. Шу боис, мафкуравий хуружларга қарши маърифат билан курашишга эътибор қаратиляпти. Ҳар биримиз қайси соҳада бўлишимиздан қатъи назар, бу жараёнларда фаол қатнашимиз, «Бир болага етти маҳалла ота-она» деган ҳаётий ҳикматга амал қилиб, ёшлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказишимиз зарур, дейиши сўзга чиққанлар.

Ёшларни буюк аждодларимизга муносиб, барқамол авлод этиб тарбиялаш масаласида фикр алмашилди.

Аброр ҚУРБОНОВ
тайёрлади.

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

Тажриба алмашиш давом этмоқда



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

Тахририятга Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан Қибрай туманида «Бошланғич ташкилотлар — партиянинг асосий таянчи» мавзуси бўйича семинар-тренинг ўтказилиши ҳақида хабар берилди. Бу тадбирда қандай фикр-мулоҳазалар билдирилиши билан қизиқиб йўлга тушдик.

Бизни Қибрай туман кенгаши раиси Гавҳар Бекжанова кутиб олди. Вилоят кенгаши масъул ходимлари, Чирчиқ шаҳар, Қибрай, Бўстонлик, Юкори Чирчиқ ва Паркент туман кенгашлари раислари тадбирни намунали бошланғич ташкилотлар фаолияти билан танишишдан бошлай-

диган бўлишди.

Қибрай туман кенгаши раиси туманда аъзоларимиз сони 1617 нафарга етгани, 39 бошланғич партия ташкилот фаолият юритаётгани ҳақида маълумот берди. Бошланғич ташкилотлар билан ҳамкорлик ва унинг самаралари ҳақида тўхталиб ўтди.

Дастлаб «Дўрмон» кишлоқ фуқаролар йиғинига кириб бордик. У ерда бошланғич ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ кўплаб саволларга жавоб олдик. Бу ерда бошланғич ташкилот аъзолари, худуддан сайланган депутатлар, партия фаоллари ҳақида ахборот бурчаги ташкил этилган.

— Бошланғич ташкилот партия дастурий мақсадларини тарғиб қилувчи асосий бўгин ҳисобланади, — дейди **Васила Махмудова**. — Шунинг учун биз унинг фаолиятини кучайтириш, аъзоларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифлари

асосида ишлашга эътибор берамиз. Электорат вакиллари-нинг сиёсий-ҳуқуқий билимининг ошириш учун ўқув машғулотлари, давра суҳбатлари, депутатлар билан учрашувлар ташкил этиляпти. Яна бир масалага алоҳида тўхталмасак бўлмайди. Тадбирларни очик ва самимий мулоқот тарзида ташкил этиямиз. Мақсадимиз фақат маъруза ўқиш эмас, балки электорат муаммоларини ўрганиш, уларни ҳал қилиш бўйича партия гуруҳларига таклиф киритишдан иборат бўлаяпти.

Партия фаолларидан иборат гуруҳ «Байтўрғон» маҳалла фуқаролар йиғинидаги худудий ташкилот фаолияти билан ҳам танишди. Аҳоли муносабатлари мазмунини, уларнинг натижаси ҳақида сўз юритилди.

— Бошланғич ташкилотлар фаолияти кучайишида тажриба ва фикр алмашиш катта аҳамиятга эга. Бугун бир неча бошланғич партия ташкилотларида бўлди.

Мақсадимиз фақат маъруза ўқиш эмас, балки электорат муаммоларини ўрганиш, уларни ҳал қилиш бўйича партия гуруҳларига таклиф киритишдан иборат бўлаяпти.

Уларнинг ишларини кузатдик. Етакчилар, фаолларимиз билан суҳбатлашдик. Тўғриси, партия фаоли сифатида кўп нарсга ўргандим. Бу тадбирлар ҳаммамизга фойда беради, деб ўйлайман, — дейди **Юкори Чирчиқ туман кенгаши раиси Латифжон Мансуров** биз билан суҳбатда.

Навбатдаги манзилимиз «Фарҳод-Мадад» хусусий клиникасидаги бошланғич партия ташкилоти бўлди.

Тадбир давомида камчиликлар тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Хусусан, худуддаги бошланғич ташкилотларнинг моддий-техник базасини яхшилаш кераклиги таъкидланди.

Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси Дониёр Азизхўжаев, Юкори Чирчиқ туман кенгаши раиси ўринбосари Яшин Аҳмедов, халқ депутатлари Қибрай туман Кенгаши депутати Фарҳод Мираҳмедов ва бошқалар бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада кучайтириш юзасидан ўз таклифларини беришди.

Электорат билан ишлашда замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш, етакчилар малакасини ошириш, қўйи бўгини меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш, электорат манфаатлари ҳимоясига қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш масалалари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбир якунида фаол етакчилар фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Шу тарзда бир кунлик семинар ўз ниятларига етди.

Зайнура ТОШМУРОВА

ЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН,
МУҚАДДАС ВАТАНИМ,
ЖОНИМ СЕНГА ФИДО,
ЎЗБЕКИСТОНИМ!

■ Икки йилда шунча ўзгариш бўлишини ақлимга
сигдиrolмаяпман. Бу фақат эртакларда бўлиши мумкин!

ХАБАРЛАР ТЎЛҚИНИДА

Кўчмас мулк объектлари

ялпи хатловдан
ўтказилади

Мамлакатимизда 2017 йил-
гача жисмоний ва юридик
шахсларга тегишли бўлган
кўчмас мулк объектлари ялпи
хатловдан ўтказилади. Бу
ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг
қарориди маълум қилинди.

Хужжатда таъкидланишича,
хатловдан мақсад кадастр ҳисо-
бига олишни такомиллаштириш,
жисмоний ва юридик шахсларга
тегишли бўлган кўчмас мулк
объектларидан фойдаланганлик
учун асосланган солиқ солини-
шини таъминлашдан иборат.

Бундан ташқари, бу «Элек-
трон ҳукумат» тизими доираси-
да «Кадастр ва кўчмас мулкни
руйхатга олиш тизимларини мо-
дернизация қилиш» лойиҳасини
амалга ошириш учун ҳам зарур
ҳисобланади.

Ўтказилган хатлов натижаля-
ри бўйича туман (шаҳар) давлат
солиқ хизмати органларига жи-
смоний ва юридик шахсларга те-
гишли бўлган кўчмас мулк
объектлари тўғрисида ахборот
берилди.

Хатлов давомиди ер участка-
лари, бинолар, иншоотлар ва кўп
йиллик дарахзорларнинг эгала-
ри, улардан фойдаланувчилар,
ижарачилари ва мулкдорлари,
ўзбошимчилик билан эгаланган
ва қурилган иморатлар аниқла-
нади.

Ишчи гуруҳ хатлов жараёни-
да кўчмас мулк объектларини
текшириш, ер участкасини сурат-
га олиш, бино ва иншоотларнинг
ташқи ва ички ўлчамларини
ўлчаш ҳуқуқига эга.

Ташқи ишлар вазирлиги

YouTube тармоғида ўз
канални очди

YouTube тармоғида Ўзбекис-
тон Республикаси Ташқи ишлар
вазирлигининг расмий канали
очилди, дея хабар беради ва-
зирлик матбуот хизмати.

«ТВнинг расмий веб-сайти
ҳамда Фейсбукдаги саҳифаси ўқу-
чилари эндиликда YouTube даги
каналимиз орқали мамлакатимиз
раҳбариятининг ташқи ва ички
сиёсати, Ўзбекистон ва унинг
дўстларига сазовор жойлари тўғри-
сида нафақат матнли янгилик-
лар, балки фото ва видеоматю-
млар билан ҳам яқиндан тани-
шишлари мумкин», дейилади ха-
барда.

Хозирда каналга илк видео-
матюмот сифатида ШХТнинг
Тошкент саммити иштирокчила-
ри учун санъат усталари ижро-
сида намойиш этилган катта кон-
церт дастури жойлаштирилган.

Тошкентдан Қозонга

қўшимча авиақатнов
амалга оширилади

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»
Миллий авиакомпанияси шў йил-
нинг 28 август кўни Қозонга
қўшимча йўловчи қатновини
амалга оширади. Бу ҳақда ко-
мпания матбуот хизмати маълум
қилган.

Қатнов замонавий А-320
аэробусида қуйидаги жадвал
бўйича бажарилади:

НУ 649 — Тошкент (19:00) —
Қозон (20:30) (28 август)
НУ 650 — Қозон (22:00) —
Тошкент (03:50) (29 август)

Қатновларнинг вақти маҳал-
лий вақтда кўрсатилган.

Қилаётган ишидан, оила аъзолари,
яқинларининг муваффақиятидан, бахту
саодатидан фахрланиш кишини янги мар-
ралар сари руҳлантиради. Ватанидан
ғурурланиш булар орасида энг улугдир.
Чунки инсон киндик қони тўкилган за-
мин билан фахрланса, эртанги нурафшон
кунга ишончи янада мустаҳкамланади,
«бўлаётган ўзгаришларга, янгиланишлар-
га ўзимнинг улушимни қўшай», деган оли-
жаноб туйғу билан яшайди, ўтаётган фа-
раҳбахш кунлар саодати бардавом бўли-
ши учун астойдил ҳаракат қилади...

ИККИ ҚОШ ОРАСИДАГИ ВАҚТ МЎЪЖИЗАСИ

Яқинда мамлакатимизга
бир гуруҳ хорижлик меҳмон-
лар келди. Улардан бири
Соҳибқирон юрти — Қашқа-
дарёга ҳам борди. Воханинг
бугунги замонавий қиёфаси,
аҳоли фаровонлиги йўлида
яратилаётган шароит ва им-
кониятлардан хайратдалиги,
халқимизнинг бунёдкорлик
салоҳиятига ҳаваси келаётган-
лини айтди.

Ҳаётнинг гардишини
қаранг: 20-25 йил илгари хо-
рижликлардан Ватанимиз
ҳақида бирор яхши гап ёки
биргина тармоқ ривож
ҳақида икки оғиз илқ сўз
эшитиб қолсак, амакиқидан
ҳайитлик олган боладий
қувондан теримизга сиймас-
дик. Бугун бундай эътироф-
ларни кундалик иш, одат каби
қабул қиламиз. Чунки бугун
дунёнинг мана-ман деган
давлатлари ҳам юртимизда-
ги тинчлик-осойишталикка,
иктисодиёт, таълим, мадани-
ят, спорт, умуман, ҳаётимиз-
нинг барча соҳаларида рўй
бераётган оламшумул ўзга-
ришларга бераётган юксак
эътирофлар, таҳсинларнинг
адоси йўқ.

Чиндан ҳам, қай бирини
санаш мумкин бу эътирофу
таҳсинларнинг?! БМТнинг
озик-овқат ва қишлоқ хўжа-
лиги ташкилоти бош дирек-
тори Жозе Грациану да-Силва
Ўзбекистон мустақиллик йил-
ларида аграр соҳа ҳамда
озик-овқат хавфсизлигини
таъминлаш борасида улкан
тараққиётга эришганини
алоҳида таъкидлагани ёки
Халқаро олимпия қўмитаси
президенти Томас Бахнинг

мамлакатимизда спорт, ай-
ниқса, болалар спорти жадал
ривожланаётгани ҳақидаги
халис фикрларини?! Қай
бирини санамайлик, бу эъти-
рофлар бизга чексиз ифти-
хор туйғусини бағишлайди,
ўзгаларнинг ҳаваси хайрати-
ни оширади.

Булар орасида, айниқса,
Қаршига борган меҳмоннинг
дил сўзи ўзгача. Аслида, гап-
ни мана шундан бошламоқ
лозим эди. Меҳмон билан
Қаршига юқори тезликда
ҳаракатланадиган «Afrosiyob»
поезидида бордик.

Олис манзилга чиққанин-
да ён-атрофни кузатиб ке-
тишининг гашти ўзгача бўлар-
кан. Қир-адирлар, бепеён да-
лалар, боғлар, яёловлар,
сўлим ва обод масканлар, за-
монавий шаҳару қишлоқлар,
пурвиқор тоғлар қўзни қувна-
тади, дилини яйратади. Ўфқи
йўқ-ҳаёллар аллақерларга
олиб қочади. Тафаккурингиз
қалбингизни тўлқинлантириб
юборади. Мулоҳазалар чега-
ра билмайди. Баъзан қизик
воқеалар ёдингизга тушиб,
бехиётёр қулиб юборганин-
гизни ўзингиз ҳам сезмай
қоласиз, баъзан эса бунинг
тамоман акси бўлади — ўйга
толасиз.

Мана улардан бир шинги-
ли.

Пойтахтимиз навбатдаги
йирик анжуманлардан бири-
га мезбонлик қилди. Йигир-
мага яқин давлатдан олти юз-
дан зиёд меҳмон қарийб уч
кун бўлди. Меҳмоннавоз халқ-
миз. Миллий таомларимиз-
нинг мазаси, ҳил-хил пишган
меваларимизнинг таъмини



ҳатто тушида ҳам ажратди.
Хорижлик ҳамкасблар шара-
фига уюштирилган зиёфатда
буни ўзлари бот-бот такрор-
лашди. Мақтовлардан сархуш
ўтирар эканман, халқимиз-
нинг бир мақоли ёдимга туш-
ди. Айтмоқчи бўлдим-у, ти-
лимни тийдим.

Дўстларимга шулар
ҳақида сўзлаб мактанаман,
деган ниятда зиёфатдан чи-
кибқоқ оёғимни қўлга олдим.
Икки йил бурун Лондонга кет-
ган жўрамизнинг ўқиши би-
тиб қайтгани, «Теразор» да
гаштак уюштирилибди. «Рас-
мий қисм»дан сўнг оғиз жуфт-
лагандим ҳамки, давра боши-
миз дастур ёйитига саватда-
ги ананасларни кесиб келиш-
ни бурди.

— Кўй бунингни, хўжам, —
деди Бирлашган Қиролликда
ўқиб келган жўрамиз шошил-
ганча. — Қовун сўй, қовун.
Маза, таъм ботида унинг ол-
дига тушадигани йўқ, Макта-
нишмас, ўқиш баҳона кўпги-
на Европа мамлакатларида
бўлдим, юрт кўрдим. Мева-
ларимизнинг нархи осмон у
ерларда. Уйдагилар олма,
нок, узум, шафтоли, «чак-чук»
жўнатишса, қўзимга суртиб-
суртиб ер эдим. Согоинганман
меваларимизни!

Бир сўз деёлмадим...

Биласиз, мустақиллик ҳара-
кати бошлаш осон кечма-
ган. Кулминациясига етган
йиллар манзарасини тасаввур
қилиш қийин эмас. Одамлар-
нинг бошини қовуштирмаса,
уринишлар бесамар кетиши
аниқ. Бундай қалтис вазият-
да бировга ишониб бўлмай-
ди. Оғзимиз кўп қуйган, ахир.

Нима қилиш керак?!

Шундай ўта оғир ва мурак-
каб бир шароитда республика
раҳбари Ислам Каримов гап-
нинг дангалини айтди: «Фақат
ўз кучимиз, ўз салоҳиятимиз-
га таяниб иш қўришимиз ке-
рак... Ўзимиз ҳаракат қилма-
сак, четдан келиб биров биз-
га ёрдам бермайди».

Оламшумул ўзгаришлар,
янгиликлар бўлди шундан
кейин. Президентимиз томо-
нидан ўша кезларда тамал
тоши қўйилган тараққиёт
стратегияси дунёга «Ўзбек
моделли» бўлиб танилди. Жа-
ҳоннинг энг зўр иқтисодчи-
лари, оқилу доно сиёсатдон-
лари обдон ўрганишди, кенг
эътироф этишди, энди андо-
за ҳам олишяпти. Одамий-
лик ва эзгулик тамойиллари-
га асосланган бу сиёсат дунё
узра тантана қилмоқда.

Нимага эришган бўлсак,
барчасига ўзимиз эришдик.
Ўз кучимиз, ақл-заковатимиз
билан. Тарихан қисқа вақтда
эришдик. Йигирма беш йил
қўнча тарих учун нима бўлибди
— икки қош орасидagi бир гап.
Дунёнинг мафқуравий, гео-
сийсий манзарасини кўриб
турибмиз.

Қорақалпоғистондаги Сурғил
кони негизда барпо этилган
Успорт газ-кимё мажмуаси ишга
туширилди. Бухоро вилояти-
да Қандим газни қайта иш-
лаш мажмуаси қурилиши
бошланди. Ангрэн — Поп
электрлаштирилган темир
йўл тармоғи ҳамда Қамчиқ
туннели қурилиши якунланди.
Пойтахтимиз Шанхай ҳамкор-
лик ташкилотининг 15 йиллик
юбилей саммитига мезбонлик

қилди. Тошкентда I Халқаро
мева-сабзавот ярмаркаси
ўтказилди...

Эҳтимол, бу мулоҳазала-
римиз узук-юлукдир. Аммо
келтирилганларимиз бежиз
эмас. Чунки булар шахсий хо-
тиралар, биргина жорий йил-
нинг ўтган даврида қилинган
ишлар, қўлга киритилган
ютуқлардан айрим мисоллар,
холос. Агар, мамлакатимиз-
да атиги 25 йилда амалга
оширилган ишлар, эришилган
ютуқ ва марраларни бир-бир
санаядиган бўлсак, чорак
аср ҳам етмаса керак.

«Afrosiyob» тезликини ту-
ширди. Кўз ўнгимизда муҳ-
ташам Қарши вокзали намо-
ён бўлди. Тушдик. Меҳмон ат-
рофга аланглади, ниманидир
ёки кимнидир излаётгандек.
Кейин юз-кўзида ҳайрат бил-
лан деди:

— Икки йил аввал ҳам бу
шаҳарда бўлган эдим. Ростки,
танимадим. Бошқа жойга ке-
либ қолдик шекилли, деб хай-
рон бўлганимнинг боиси шу!
Вокзал пештоқидаги «Қарши»
ёзувини кўриб, кўзларимга
ишонмадим. Икки йилда шун-
ча ўзгариш бўлишини ақлим-
га сигдиrolмаяпман. Бу фа-
қат эртакларда бўлиши мум-
кин!


Шаҳар айландик. Меҳмон-
нинг чехрасидаги ҳайрату
ҳавас қалбида Ватан ҳисси
жўш урган кишига олам-олам
завқ бағишларди. Ўзгариш-
лардан лол. Боиси, Қарши-
нинг бугунги манзараси... Бу
энди, алоҳида мавзу...

Бекзод ХИДОЯТОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ

ЙИЛ БОШИДАН БЕРИ

Европага Ўртаер
денгизи орқали 262
мингдан ортиқ
муҳожир ва қочоқ
келган



Ўтган вақт ичида 3132 киши
нобуд бўлган ёки бедарак
йўқолган. Бу ҳақда Миграция
бўйича халқаро ташкилот маъ-
лум қилди.

Ташкилотнинг Женевада
чоп этилган ахборотномасида
билдирилишича, Грецияга кел-
ган қочоқлар сони 220 мингга
яқин, Италияга ўтганлар 7507
нафар кишини ташкил этади.

ЯПОНИЯ ИМПЕРАТОРИ тахтдан воз кечади



Япония императори Акихи-
то тахтдан воз кечишга қарор
қилгани муносабати билан
япон халқига видеомурожаат
қилди, деб хабар бермоқда
NHK телеканали. Император
тахтни ворисига бериш ния-
тида эканидан огоҳлантирган.

Императорнинг мурожаати
бир неча дақиқа давом этиб,
бошқарманинг сайтига ҳам
жойлаштирилган.

Таъкидланишича, бу импе-
раторнинг тарихдаги 2-видео-
мурожаати бўлади. У биринчи
мурожаатини 2011 йилда Япо-
ниядаги вайронкор зилзиладан
кейин қилганди.

Япониянинг тахтдан воз кеч-
ган охириги императори Кокаку
бўлган эди. У ўз тахтини ўғлига
1817 йилда топширганди.

ПАРАШЮТСИЗ 7,6 км баландликдан сакради



Америкалик парашютчи-экс-
тремал Люк Айкинс 7,6 км ба-
ландликдан ерга парашюtsiz
сакраган биринчи одам бўлди,
деб хабар бермоқда gazeta.ru
сайти.

Каскадёрнинг ерга эсон-
омон қўниши учун 20 қаватли
бино баландлигига тенг тўр
ўрнатилди. У тахминан икки
дақиқа давомиди хавода бўлиб,
сўнг томошабинлар олқишлари
остиди тўрға қўнди. Ўшбу жара-
ён Fox телеканали орқали жон-
ли эфирда намойиш этилди.

Буни қарангки, Айкинс ўзи-
нинг 42 йиллик фаолияти да-
вомиди 18 минг марта пара-
шютдан сакраган.

■ ИҚТИСОДИЁТ

Ҳоким ёшлар билан учрашди

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги
олдидан Фарғона вилояти ҳокими Шўҳрат Ғаниев бир
гуруҳ фаол ёшлар билан учрашди.

Мамлакатимизда ёшларнинг
замонавий билим ва касб-хунар-
ларни пухта эгаллаши, истеъдод
ва салоҳиятини намёнён этиши
учун барча шароит ва имконият-
лар яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг
«Ўзбекистон Республикасида
ёшларга оид давлат сиёсатининг
асослари тўғрисида»ги қонуни на-
вқирон авлодини ҳар томонлама
қўллаб-қувватлашнинг мустаҳкам
ҳуқуқий асосини яратиб берди.
Президентимизнинг 2014 йил 6
февралдаги «Ўзбекистон Респу-
бликасида ёшларга оид давлат сиё-
сатини амалга оширишга қаратил-
ган қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида»ги қарори ўшбу йўна-
лишдаги ишларни янги босқичда
давом эттиришга хизмат қилмоқ-
да.

Бугун Фарғона вилоятида 5
олий таълим муассасаси, 145
касб-хунар коллежи, 12 академик
лицей ва 916 умумтаълим макта-
би самарали фаолият кўрсатмоқ-
да. Фарғона шаҳридаги Ёшлар
маркази, сув спорти саройи,

туман ва шаҳарлардаги стадион-
лар, ёпиқ ва очик сузиш ҳавзала-
ри, турли йўналишдаги тўғараклар
ёшлар ихтиёрида.

Мустақиллик йилларида вило-
ят ёшлари халқаро фан олимпиа-
далари, нуфузли спорт мусобақа-
лари, йирик мусика ва санъат тан-
ловларида муваффақиятли ишти-
рок этиб, Ўзбекистон ёшлари ҳеч
кимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон
кам бўлмаслигини намёнён этиб
келмоқда. Масалан, бокс бўйича
Осиё чемпионни, жажон чемпио-
ни совриндори Б.Мелиқўзиёв,
Осиё ўйинлари ғолиби Э.Расулов,
ёшлар ўртасида жажон чемпиони
О.Шарипов, Б.Мамажонов, «Ўзе-
бекистон ифтихори» фахрий унво-
ни соҳиби, халқаро гроссмейстер
Н.Мўминова, шунингдек, С.Саид-
хўжаева, К.Раҳмонова сингари
ёшларимиз халқаро миқёсда
Ватанимиз шарафини муносиб
ҳимоя қилмоқда. Изланувчан, ис-
теъдодли бундай ёшлар сафи то-
бора кенгайиб бормоқда.

«Ватан келажаги сенинг қўлинг-
да!» ишори остида ташкил этилган

учрашувда асосий эътибор ёшлар-
ни ёт ғоялар таъсиридан асраш,
уларнинг билим ва малакасини
ошириш, бандлигини таъминлаш,
тадбиркорлик фаолияти билан шу-
ғулланиш истагига бўлган йигит-
қизларни қўллаб-қувватлаш маса-
лаларига қаратилди. Ёшлар бу бо-
рада ўз тақлиф ва ташаббуслари-
ни илгари сурди. Ўзларини қизик-
тирган саволларга атрафлича жа-
воб олди.

— Ёшларга замонавий билим
чўққиларини забт этиши, ўз касби-
нинг етук мутахассиси бўлиши учун
барча шароит яратилган юрт фар-
занди эканидан фахрланаман, —
деди Олтиариқ сановат касб-
хунар коллежи битирувчиси Умида
Тўғримова. — Ёш тадбиркорларга
бераётган имтиёزلардан унумли
фойдаланиб, 26 миллион сўмлик
имтиёзли кредит эвазига трикотаж
махсулотлари ишлаб чиқаришни
йўлга қўйдим. Айни кунларда мах-
сулотимизни экспортга чиқариш
устиди иш олиб бормоқдамиз.

Ўз йўналишида салмоқли ютуқ-
ларга эришадиган истеъдодли йи-
гит-қизларга вилоят ҳокимлигининг
эсдалик совғалари топширилди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

Андижон шаҳрида 48 хонадонга
мўлжалланган янги «Камолот» уйи ёш
оилаларга топширилди. Икки ва уч
хонали замонавий турар-жойда бар-
ча қулайликлар мужассам.

«Камолот» уйлари ўз эгаларига топширилди

— Шиnam уй соҳиби бўлганимдан
қувоним чексиз, — дейди бокс бўйича
Осиё чемпиони Жасур Латипов. — Ўшбу
гамхўрлик ва эътибор спорт ареналари-
да юртимиз шарафини улуғлаш учун яна-
да шижоат кўрсатишга ундайди.

Андижон вилояти ички ишлар бош-
қармаси ходими Баҳромжон Камолов ҳам
янги уйга кўчиб ўтганидан хурсанд.

— Оилам билан уч хонали уйга кўчиб
ўтдим, — дейди у. — Давлатнинг бундай
эътибори ҳар қандай кишида масъулият-
ни оширади, эътибор ва гамхўрликка му-
носиб бўлишга даъват этади.

Тантанали тадбирда янги уй-жойлар-
ни бунёд этган «Azia str premium» масъ-
улияти чекланган жамияти қурувчилари-
га вилоят ҳокимлигининг совғалари бе-
рилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОЛИМПИАДА —
2016

■ Олимпиадада медаль олиш осон иш эмас. Кучлиларнинг кучлиси, сараларнинг сарасигина шохсупага кўтарилади.

РАНГ-БАРАНГ
ЯНГИЛИКЛАР«Тошшаҳар-
трансхизмат»TashBus мобилъ
иловасини ишга
туширди

«Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамияти томонидан йўловчи ташиш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари изчиллик билан жорий этилмоқда.

Яқинда мазкур жамият томонидан Grand Technology System билан ҳамкорликда TashBus мобилъ иловаси тест режимида ишга туширилди.

«Тошшаҳартрансхизмат» матбуот хизмати берган хабарга кўра, фойдаланувчилар ушбу илова ёрдамида автобуснинг бекатга келиш вақтини билиб оладилар. Шу билан бирга, илова он-лайн режимида Тошкент шаҳри электрон харитасида автобус ҳаракатини кузатиш имкониятини ҳам беради.

Корейсча
кўшиқлар
танлови бўлиб
ўтади

Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан 19 август кўни бешинчи марта энг яхши корейсча кўшиқ ижрочилари танловининг финал босқичи ўтказилади. Ушбу тадбир «Туристон» саройида бўлиб ўтади, деб хабар бермоқда UzDaily.

Финалда саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган 12 иштирокчи ўз маҳоратини намойиш этади. Интернет орқали овоз беришда муваффақият қозongan ва ижроси профессионал санъаткорлар томонидан юқори баҳоланган голиб 30 сентябрь кўни Жанубий Корейда ўтадиган K-Pop World Festival 2016 фестивалининг финалида иштирок этиш учун йўланмани кўлга киритади.

Танлов доирасида «Кореяда туризм» фотокўргазмаси ўтказилиши ҳам режалаштирилмоқда.

Маданият
маркази
иш бошлади

Урганч туманидаги Бек-обод қишлоғида янги маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди. Бу ҳақда mcs.uz сайти хабар бермоқда.

Мазкур марказнинг очилиш маросими байрамона тус олди. Унда Урганч тумани ҳокимлиги, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар илмий-методик маркази, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Замонавий услубда барпо этилган ушбу даргоҳда доира, рубоб, ашула ва шашка тўғараклари фаолият кўрсатади. 250 ўринли муҳташам томошалар зали мажҳуд. Марказни мукаммал таъмирдан чиқариш учун 420 миллион сўм атрофида маблағ сарфланди. Унинг ишга туширилиши натижасида 15 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Дастлабки бронзалар,
кутилаётган олтинлар...

Дзюдочиларимиз Диёрбек Ўрозбоев ҳамда Ришод Собиров Рио-де-Жанейро олимпиадасининг бронза медалларига сазовор бўлишди



Анвар ИЛЕСОВ («Жаҳон» АА) олган суратлар.

Бугун бутун дунё нигоҳи Рио-де-Жанейро (Бразилия) шаҳрида қизгин давом этаётган XXXI ёзи Олимпия ўйинларига қаратилган. Сайёрамизнинг 207 мамлакатли вакиллари спортнинг 33 тури бўйича баҳс олиб бормоқда.

Мусобақани дзюдочиларимиз муваффақиятли бошлашди. Охириги йилларда халқаро миқёсдаги баҳсларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган истеъдодли полвонимиз Диёрбек Ўрозбоев (60 кг) саралаш учрашувларида австралиялик Жошуа Катц, швейцариялик Людович Чамартиларни енгди. Диёрбек ярим финал йўланмаси учун кечган беллашувнинг асосий вақтида жаҳон чемпиони Елдос Сметов (Козогистон) билан кураш олиб борди. Бироқ қўшимча бўлимда дзюдочиларимиз бироз тажриба етишмади ва бронза медали учун баҳсларни давом эттириш имкониятини саклаб қолди.

Шижоатли спортчимиз совринли ўрин учун кечган икки учрашувни ҳам кўтаринки руҳда ўтказди. Аввалига Диёрбек Ўрозбоев мезонлар вакили Фелипе Китадаи устидан соф галабага эришди. Ҳал қилувчи беллашувда грузиялик Амиран Папиашвилини мағлубиятга учратди

ва бронза медалини кўлга киритди.

— Биз Олимпия ўйинларига катта тайёргарлик кўрдик, — дейди Диёрбек Ўрозбоев. — Бунинг учун ҳукуматимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Мен Рио-де-Жанейро олимпиадаси бронза медалини мамлакатимиз муқтадирлигининг йиғирма беш йиллигига бағишлайман.

Иккинчи кунги баҳсларда мамлакатимизнинг номдор полвонларидан бири, икки карра жаҳон

чемпиони, Пекин ва Лондон олимпиадаси бронза медали совриндори Ришод Собиров (66 кг) курашга қўшилди. Дастлабки учрашувда у белоруслик Дмитрий Шершанини юк баҳоси эвазига мағлубиятга учратди. Иккинчи баҳсда Ришоднинг арумалик Жайме Матани енгиси учун атиги 27 сония кифоя қилди. Аммо чорак финалда ҳамюртимиз ўзининг азалий рақиби Ан Баул (Жанубий Корейга кичик фарқ билан имкониятни бой бериб қўйди.

Эътиборлиси, бронза медали учун курашиш имкониятини саклаб қолган Ришод Собиров ҳал қилувчи икки беллашувда ўзини кўрсата олди. У Уондер Матео (Доминикан Республикаси) ҳамда икки карра жаҳон чемпиони словакиялик Адриан Гомбокини енгди ва учинчи мартаба ёзи Олимпия ўйинлари бронза медали билан тақдирланди. Мусобақа дастуридан жой олган бошқа спорт турлари бўйича ҳам ҳамюртларимиз баҳсларни муваффақиятли бошлашди. Жумладан, бокс

бўйича дастлабки босқичда Хуршид Тожибоев (60 кг) қатарлик Хакан Эрескерни, Шахрам Ғиёсов (69 кг) испаниялик Юба Ндые Сиссоқони енгиб, навбатдаги босқичга йўланмани кўлга киритди.

Афсонавий гимнастикачимиз, Барселона олимпиадаси чемпиони ва Пекин олимпиадаси кумуш медали совриндори Оксана Чусовитина еттинчи мартаба ёзи Олимпия ўйинларида қатнашмоқда. У спорт гимнастикасининг умумий (тўртта йўналиш) саралаш баҳсларида кучли бешликдан жой олди ва медаллар учун курашни давом эттирадиган бўлди.


Шунингдек, кеча академик эшак эшиш бўйича Шахбоз Холмиров, ўқ отиш баҳсларида Вадим Скоросов, сузиш бўйича Раънохон Омонова, боксчиларимиз Ҳасанбой Дўсмаев (49 кг) ҳамда Рустам Тўлағанов (91 кг)лар баҳсларга қўшилишди.

Эслатиб ўтамиз, Рио-де-Жанейро олимпиадасининг иккинчи кунги баҳсларидан сўнг, Ўзбекистон спортчилари иккита бронза медалини кўлга киритган ҳолда 207 давлат вакиллари ўртасида 28-поянни эгаллаб туришибди.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАКТАБ ЯРМАРКАСИ

Янги ўқув йилига таратдуд



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан янги 2016/2017 ўқув йили олдидан мактаб ўқув қуроллари, дарсликлар, кийим-кечақлар, пойабзаллар кўргазмаси ҳамда янги ўқув йилига тайёргарлик мақсадаларига бағишланган брифинг ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.Иноятов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ёшлар камолоти ва истиқболи йўлида кўрсатилаётган ғамхўрлик юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Бу жиҳатлар янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш жараёнида ҳам яққол намоён бўлмоқда. 2016/2017 ўқув йили бошланиши муносабати билан умумтаълим мактаблари ўқувчиларини асосий турдаги ўқув қуроллари, дарсликлар, мактаб формаси, кийим-кечақлар ва пойабзаллар билан таъминлаш, ота-оналарга қулайликлар яратиш мақсадида 10 августдан 10 сентябргача 1 минг 978 мактаб ярмаркаси ташкил этилади.

Улар асосан умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, аҳоли гавжум бўлган бозорларда, йирик савдо мажмуаларида очилиши кўзда

тутилган. Тоғли ҳамда қўл худудларда юзга яқин кўча автодўконлар хизмат кўрсатади.

Мактаб дўконларида 26 турдаги зарур ўқув қуроллари ва жиҳозлар сотуви ташкил этилади. Булар ўқув, умумий, кундалик, расм, нота дафтарлари, ручка, портфель, кўплаб мактаб анжомлари, қизлар ва ўғил болалар учун мактаб, спорт кийимлари, пойабзал кабилардир.

Мактаб ярмаркаларининг фаолиятини уюшқоқлик билан ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида маҳаллий ҳокимликларда мутасадди ташкилотлар вакиллари билан ишчи гуруҳлари тўзилган. Жойларда ташкил этиладиган мактаб ярмаркаларига асосий турдаги маҳсулотларни Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти, «Ўзбекчармпойабзал» уюшмаси, «Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси етказиб беради.

— «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти таркибиде 360 дан ортиқ қорхона бўлса, уларнинг 180 дан ортиги мактаб формаларини ишлаб чиқаради, — дейди «Ўзбекенгилсаноат»

маркетинг бўлими бош мутахассиси Махбуба Султонова. — Уларда 20 дан ортиқ турдаги кийим-кечақ модели яратилиб, ишлаб чиқилмоқда. Ёш авлод учун ўқув формаларини яратишда дизайнерлар, модельерлар, либослар технологи билан бирга шиқорлар, ота-оналарнинг фикрларидан хулоса чиқарган ҳолда ёндашилмоқда. Мактаб кийимларини ишлаб чиқаришда асосан табиий матоларни қўллашга, моделларнинг ихчам, қулай, иқлим ҳамда санитария-гигиена талабларига мослигига асосий эътибор қаратилмаётган.

— Бундай ярмаркаларнинг турар-жойларга яқин худудларда, таълим масканларида ташкил этилаётгани ота-оналар учун гўя қулайдир, — дейди Шахноза Иброҳимжонова. — Бу ерда таълим жараёни учун зарур бўлган барча анжомлар, мактаб, спорт формалари, пойабзалларнинг барча ўлчамларининг мавжудлиги хариidorларнинг зарур маҳсулотни танилаб, харида этиши имкониятини янада кенгайтиради.

Маҳаллий ҳокимликлар Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва бошқа назорат органлари билан бирга мактаб ярмаркаларида маҳсулотларнинг Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги стандартлар талабларига жавоб беришини мунтазам назорат қилади. Нарх-навоини сунъий тарзда ошиб кетишига йўл қўйилмайди, тўлов терминалларининг узлуксиз ишлаши таъминланади.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ЭЪЛОН

ТАШКИЛОТЛАР ВА ҚОРХОНАЛАР РАҚБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФВВ
КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ ВА
ТАЪМИРЛАШ БОШҚАРМАСИ

ҚУЙДАГИ ОБЪЕКТГА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги «Белдерсой» қутқарувчилар станциясидаги иккита коттежи капитал таъмирлаш.Буюртмачи томонидан белгиланган бажаригч нарх: ҚҚС билан 528 921 699 сўм, ҚҚСсиз 440 768 082 сўм. Ишларни якунлаш муддати — 125 кун.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: **Ўзбекистон Республикаси ФВВ Капитал қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли кўчаси, 4-уй.**

Савдо ташкилотчиси: **Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Тошкент вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази.**

Талабгор сифатида иштирок этаётган қорхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос бўлиши керак: танлов савдолари предмет кийимининг 20 фоизи миқдоридеги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов тақлифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади: иштирокчиларнинг тижорат тақлифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган киймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш)даги тендер тақлифлари иштирокчиларнинг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Тошкент вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй, 311-хона, тел: 241-15-26, факс: 241-15-37.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 200 000 (икки юз минг) сўм.

Тақлифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кўни ва соатига.

Танлов савдолари, ушбу эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан сўнг Тошкент шаҳар, Кичик халқа йўли бўйича тақрибали ва ишончли бўлишлари лозим.

Хизматлар лицензияланган.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди хайрия тадбири доирасида Корея Республикасининг «Junior Chamber International — JCI» халқаро ёшлар ташкилоти молиявий кўмағида юрагида туғма нуқсони бўлган бир гуруҳ ўзбекистонлик болаларнинг Жанубий Корейдаги етакчи клиникалардан бирида даволанишини ташкил этди.

Болалар
саломатлиги
йўлида

Баркамол авлод тарбияси мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларнинг энг муҳим устувори йўналишларидан биридир. «Соғлом авлод учун» фонди ҳам ушбу хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Фонд ўз фаолияти давомида ўзбекистонлик болаларни мамлакатимиз ва хориждаги энг яхши клиникаларда соғломлаштиришга доир турли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Масалан, «Junior Chamber International — JCI» халқаро ёшлар ташкилоти билан ҳамкорлик самарасида 2008-2015 йиллари Жанубий Корея мутахассислари Ча университет қўшидаги «Пундан Ча» госпиталида юртимиздан 56 болани операция қилди.

Яқинда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида юрагида туғма нуқсони бўлган 25 бола чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларнинг 4 нафари Ча университети қўшидаги «Пундан Ча» госпиталида даволаниш учун юборилди.

— Фарзандларимиз саломатлиги давлатимизнинг доимий эътиборида эканига бугун яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, — дейди Жиззах вилоятининг Зомин туманидан Ш.Норқуллова. — Ўғлим Сардорбек ҳам бошқа болалар қатори яхши кайфиятда қайтди. Шифокорлар яқин вақт ичида улар жисмоний машқар билан ҳам шуғулланиши мумкинлигини айтишди. Фарзандларимизга шундай ғамхўрлик кўрсатаётган давлатимиз раҳбаридан миннатдоримиз.

М.ҚАШИБОВ,
ЎЗА мухбири.

БУГУН	Об-ҳаво маълумоти	(°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+40/+25	
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+40/+25	
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+40/+23	
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+40/+25	
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+38/+23	
Тошкент шаҳри	+39/+22	
«Агробанк» АТБ жамоаси банк ходими Хўлқар Хўжановага падари бузруквори Абдуғафур АБДУРАХМОНОВнинг вафоти муносабати билан қуқур таъзия ихшои этади.		

MUASSIS:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHIBosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV	Saidkamol XODJAYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Muslihidin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV		Tat'yana KISTANOVA
		(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 859
8858
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 20:40
Topshirilgan vaqti — 00:40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Ozod RAJABOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAVOZOV

ISSN 2010-7433



1 2 3 4 5